

ИСХОКХОН ТҮРАДИН ТУЗЕМНИ ГАЗЕТГА МАКОЛА[1]

Ушбу 1911 нчи йилда августда Тўрақўргон касабасидин чикиб, азбаройи ёр-биродар жанобларини зиёратла-ри учун ўз каласка аробамиз ила Чустга келиб, андан ошнойи кадимамиз бўлган хурматлу Мулло Азизхон мироббоши ховлиларига тушуб, икки кун истирохатдин сўнг жўнаб, Фоф келиб, анда турмай, бир от илан тўгри Арслонбек кемага келиб, дархол ўтуб киём вақтида Янгибозор мавзеъида бўлган Урганжи кишлокга келдук. Ул кун бозор ниҳоятда чанг экан. Бир ерда андек истирохат килиб, жойлануб, сўнгра жўнаб кетиб турган эдук, кўргондин ташкари бир баланд йўл кўзга кўрунди. Ажойиб бул хил баланд ер йўк эди деб, таажжубда эдук. Баногохи икки мардикор занбар кўтарган йўлда экан. Ани аравадин кўруб, тушуб савол килдимки:

— Бул нима йўл? - деб. Жавоб бердики:

— Наманган темир йўлидур. Сўрадўм:

— Ушбу кун канча ерга борди? — деб. Ул жавоб бердики:

— Ушбу кун бул ердан ўн олти чакирим бордур, - деб. 14-август эди. Яъни вокзолдин, Хўканд вокзолидин 28 чакирим релс темирларни бошлаб босган экан. Камоли хурсандлигимдин аробадин тушуб, хар икки мужикларга бир-икки танга бериб, алхамдулиллах, бизларга хам рохат бўладургон вақти келди. Бизга келгучиларга йўлларимизни бетартиблиги катта нуксон эди ва факир бечораларга галатларни арзон бўлиши, сайёх ахлига бормок-келмоклари осонликка мубаддал бўлди. Юз шукур деб ўтуб Хўкандда бўлган ошнойи кадимамиз жаноб Хазрат Миён Содик Хазратни ховлиларига нузул килиб, анда икки кун туруб, кечки пўчтовой поезд илан ифторой класда жой олуб, кечаси бир кеча, яъни икки соат туруб, яна жўнаб, тамом кун чикганда Тошкандга, Русия ичида Обухов кўчада хурматлу коллежиски секретар Ибн Яминбек Худоёрхон ўглиларини(нг)[2] ховлисига кўндук. Биринчи рамазон анда бўлинди. Мазкур бекни(нг) ховлилари хусусида бир-икки банд манзума ёзилган эди, дарж килинди. Чунончи манзума:

Бегимни ховлилари бир риёзи жаннатдур,  
Саконат этса киши кони бир масарратдур.  
Кишики умрини яхши килур, хасис ўлмаи,  
Музайян табъини хуш айлаганга рахматдур.  
Хасис, мардуми мумсик бўлиб, емай-ичмай,  
Жахонда умр кечурган кишига лаънатдур.  
Не бу ерга кўйиб кетма, сарф кил, илло кейин  
Коронгу гўр ичида ушбу санго офатдур.  
Ичида сарви гулу лола-ю райохинлар,  
Муфаррах дили мафхума катта хикматдур.  
Худойим берди бу дунёни умри рохатга,  
Кимики умрига сарф айлар, ул химматдур.  
Худо дерки: «Кулу вашрабу» бу Каломинда,

Тасарруф этгучига охиратда бехжатдур.  
Бу ерда хайру саховатни кил гарибларга,  
Сахийга ваъдаси бор, охиратда нусратдур.  
Назифу тоза жинон муза жахон янглиг,  
Кўнгулни сайкал этар, жонга бир фарогатдур.  
Кишики окча йигиб, сарф айламай ўтса,  
Ики жахонда онинг кори бори захматдур.

Худо юборди бу дунёга имтихон киладур,  
Тасарруф айла они неча кунга фурсатдур.  
Хама кетар бу дунёдин бахил ёки хасис,  
Кўруб турубсан ўзунг, ушбу санга Ибратдур.

[1] Ушбу макола 1911 йили Кўкон-Наманган темир йўлининг қурилиши ва ишга туширилиши муносабати билан ёзилган. Исхокхон Ибрат ушбу воқеага бағишлаб «Тарихи вагон Исхокхон Ибратдин» номи билан катта хажмда мухаммас ҳам битган.

[2] Ибн Яминбек Худоёрхон ўгли - сўнги хонлардан Худоёрхоннинг тўртинчи ўгли, узок муддат «Туркистон вилоятининг газети»да ҳамкорлик қилган. Исхокхон Ибрат Худоёрхон ўғиллари билан яқин дўст бўлган.